SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 37
(6188)
2025-yil
19-sentyabr
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

Янги Ўзбекистонда янгича таълим



Юксакларга чиқмоқчи бўлсангиз,
ўқувчилар билан бирга пастга тушинг.
Кун келиб, улар сизни юксакларга олиб чиқади.

Яхши хабар



"KENG MAKON" КОРХОНАСИ – ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА СОВРИНДОРИ

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "CAEx Mebel and Decor 2025" халқаро кўргазмада Ўзбекистон ва қўшни давлатлардан 50 га яқин тадбиркорлар ўз маҳсулоти билан қатнашишди.

Улар қаторида иштирок этган миллий ишлаб чиқарувчиларимиздан – Зангиота тумани "Keng Makon" корхонаси ҳам ўз маҳсулотларини намойиш қилиб, халқаро кўргазмада совринли ўринни эгаллади.

– Ютуғимиз давлатимиз томонидан яратиб берилаётган қулай имкониятлар, кўп йиллик тажриба ва изланишларимиз натижасидир, – дейди жамоа раҳбари, тадбиркор Абдураҳим Абдураҳмонов. – Мақсадимиз – миллий маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорига янада кўпроқ кириб бориши, халқ фаровонлиги ҳисса қўшишдир.

Ўз мухбиримиз.

Маҳаллаларда азмунли улоқотлар

Туманда аҳолига республика ва ҳудудларда амалга оширилаётган ислоҳотларни етказиш, шунингдек, маҳаллаларни ишсизлик ва камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантириш, тадбиркорлик муҳитини яратиш, аҳолининг ижтимоий фаолликларини ошириш ва муаммоларини ҳал этиш юзасидан маҳаллаларда мулоқот учрашувлари ўтказилмоқда.



5

► *Тадорик*

Республика бош прокурори ўринбосари Салом Самадов иштирокида туманимиз аҳолисининг газ таъминотидан фойдаланишидаги ҳолатлар, мавжуд камчиликлар ўрганилди. Кўчалар хатловдан ўтказилди.

Хонадонларга махсус созлагичлар ўрнатилиб, газ қувурлари текширилди. Ишлар давом эттирилмоқда.



► *Сессия*

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Еттинчи чақириқ Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгашининг навбатдаги ўн саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, тегишли ташкилот раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияда кун тартибидаги туман маҳаллий бюджетининг 2025 йил II чорак ижроси тўғрисида туман Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи Сирожиддин Аҳадов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 30 январдаги КҚ-666-IV-сонли қарорига асосан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган жамоатчилик фикри асосида шаклланган ва овоз бериш якунига кўра “ғолиб” таклифларни танлаб олиш ҳамда уларга маблағ йўналтириш тўғрисида туман Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи ўринбосари Баҳодир Раҳимжоновларнинг ҳамда туман ҳокими ўринбосари – туман Инвестициялар, саноат ва савдо шўъба бошлиғи Турғун Болиқуловнинг 2025 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Шунингдек, сессияда Халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли қарорига ўзгартириш киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Дилбар ШАРИПОВА.

► *Камбағалликдан фаровонлик сари дастури – амалда*

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий адолат ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган.

АҲОЛИНИНГ ИШОНЧИ ОРТМОҚДА



Иқтисодий ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб ёрдам кўрсатиш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги «Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида қатор вазифалар белгиланган.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида берилган вазифаларга кўра 2025 йилнинг сентябрида туманда 3539 та камбағал оила билан ишлаш бошлаб юборилди. Туман штаби тузилди. Камбағал оилалар тумандаги барча бўлим ва ташкилотлар раҳбарларига бириктирилди. Ҳар бир раҳбар ўзига бириктирилган оилаларни яқиндан ўрганиб, индивидуал режа тузиб олдилар. Мана шу режага асосан ишлар олиб борилди. Уларнинг ишлари эса туман штабида умумлаштириб борилди.

Дастур доирасида амалга оширилган ишлар қисқа фурсатда сезиларли натижалар берди, яъни 1199 нафар фуқаро доимий иш жойи билан таъминланди, 176 нафар фуқарога имтиёзли кредитлар ажратилди, уч нафар фуқаро субсидиядан фойдаланди, 30 киши касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди, 1538 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиш орқали тадбиркорликка жалб қилинди. Бундан ташқари қанчадан-қанча фуқароларнинг соғлиғини тиклашларига ёрдам берилди.

Бу босқичда туманда барча ташкилот раҳбарлари фаол иштирок этдилар, айниқса, уларнинг 18 нафари ниҳоятда жонбозлик кўрсатиб, ижтимоий-иқтисодий томондан қийин аҳволга тушиб қолган оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича самарали иш олиб бордилар. Жумладан, “Нуробод” маҳалласига бириктирилган туман Солиқ инспекцияси бошлиғи Давлатбек Сулаймонов, “Наврўз” маҳалласига бириктирилган туман прокурори Алишер Жўраевлар бу ишларда барчага намуна бўлдилар. Натижада олти ой давомида 597та оила камбағалликдан чиқарилди.

2025 йилнинг июль ойидан мазкур дастурнинг 2-босқичи бошланди. Бу босқичда туманда жами 385 та энг оғир аҳволдаги оилаларга 77 нафар раҳбар ва уларнинг ўринбосарлари бириктирилган бўлиб, шулардан 7 нафари вилоят, 70 нафари туман даражасидаги раҳбарлар ҳисобланади.

Ҳозирда ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Бу ишлар – мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва фаровонликни ошириш борасидаги умумий ислоҳотларнинг ёрқин ифодасидир. Шубҳасиз, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари натижасида одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, энг муҳими – уларнинг келажакка ишончи янада мустаҳкамланмоқда.

Абдулатиф НИШОНОВ,
туман Камбағалликни қисқартириш ва бандлик маркази бошлиғи.

► *Муносабат*

ИМТИЁЗЛАР ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ БЎЛАДИ



Нилуфар МУХИДДИНОВА,
32-умумтаълим мактаби директори,
Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши депутати

Президентимиз томонидан 2025 йил 15 сентябрь куни Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида соҳа ходимлари билан ўтказган мулоқотини кўп минг педагог-устозлар қатори мен ҳам қунт билан, мароқ билан тингладим.

Улкан ютуқларни қўлга киритган бир қанча таълим соҳаси вакиллари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаганларида ниҳоятда ҳаяжонландим.

Президентимиз педагогларни янада қўллаб-қувватлашга қаратилган янги ташаббусларни илгари сурди. Жумладан:

– янги йилдан бошлаб камида 15 йил стажга эга бўлган олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи қоплаб берилади;

– келгуси ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишга кирган педагоглар фарзандларининг контракт суммасига 30 фоиз чегирма берилади;

– ўқитувчилар янги таълим технологияларини кенг қўллаши учун компьютер харидига 10 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилади;

– келаси йилдан педагоглар учун давлат хизматлари тўлови 2 карра камайтирилади;

– фан ўқитувчилари каби бошланғич таълим ўқитувчилари учун ҳам миллий сертификат бериш тизими жорий қилинади. Сертификат олганларга ҳар ойда 15 фоиз устама тўланади;

– бакалавр босқичини имтиёзли диплом билан битириб, мактабга ишга кирганларга автоматик равишда 2-малака тоифаси, магистрларга эса 1-малака тоифаси берилади;

– дунёдаги ТОП-300 талик олийгоҳларга ўқишга кирган педагогларга 20 минг долларгача имтиёзли таълим кредити ажратилади;

– рейтингда 100 таликка кирган мактаб ва боғча, 20 таликдаги техникум, ТОП-10 та олийгоҳ педагогларига йилига бир марта Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун самолёт ва поездлар чипта нархларига 15-20 фоиз чегирма берилади.

Бу каби имтиёзлар биз каби ўқитувчиларга янада катта куч-қувват, ғайрат-шижоат билан ишлашимизга туртки бўлди.

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР



Гавҳар ЗУФАРОВА,
Ўзбекистон миллий педагогика университети магистранти:

Юртимизда таълимга эътибор ҳар қачонгидан ортгани барча ёшлар қатори мени ҳам ниҳоятда хурсанд қилди. Юртбошимиз маърузаларида ўтган саккиз йилда таълим ва илм-фанга харажатлар 6 карра оширилиб, 378 триллион сўм маблағ ажратилгани, олтин-валюта захираларимиз Ўзбекистон тарихида илк бор 50 миллиард долларлик маррадан ошгани, бу – боғча, мактаб, техникум ва олийгоҳлар қуриш, таълим ва илм даргоҳларини замонавий жиҳозлаш, устоз ва мураббийларнинг моддий манфаатдорлигини мунтазам ошириб боришнинг кафолати эканлигини таъкидладилар.

Ислоҳотларнинг илк босқичидаёқ мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.

Яқинда таълим соҳасида эълон қилинган янги имтиёз ва имкониятлар ҳисобига боғча кириб бормаган бирорта маҳалла қолмаслиги, қамров ҳам 80 фоиздан кам бўлмаслиги таъкидланди.

Боғчада тарбиячилар маоши мактаб ўқитувчиларига тенглаштирилди. Шу ойдан боғча мудиралари ҳам мактаб директори ўринбосари билан бир хил ойлик оладиган бўлди. Бир сўз билан айтганда, боғчадаги раҳбар ва педагоглар ойлиги қарийб 2 карра ошди.

Эндиликда хусусий боғчалардаги тарбиячилар ойлиги ва бола харажатининг бир қисми ҳам бюджетдан қоплаб бериладиган тизим жорий этилади. Президентимиз боғча тарбиячилари учун муҳим янгиликни айтди.

Ҳозирда 7 мингдан ортиқ давлат боғчаларида 120 мингга яқин педагоглар бўлгани билан уларнинг атиги 34 фоизи олий маълумотга эга. Лекин ҳозирда тарбиячиларнинг мактаб ўқитувчилари каби тоифа олиши учун олийгоҳ дипломи талаб этилади. Шу сабабли олий маълумотли билан ўрта маълумотли тарбиячининг ойлигида фарқ бор.

Шу боис, давлат ва хусусий боғча тарбиячиларини ишдан ажралмаган ҳолда олийгоҳларда ўқитиш йўлга қўйилиб, йилига 10 минг тарбиячи олий маълумотли қилинади.

Яна бир янгилик. Худди Президент мактаблари каби ҳар бир вилоятда “Янги авлод” боғчалари ташкил қилиниб, уларда тарбиячилар илғор педагогик технологияларни ўрганади.

Энг муҳими, янги методикаларни ўрганиш учун бу масканларнинг эшиги хусусий боғча тарбиячиларига ҳам доимо очиқ бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг бу ташаббус, имтиёз, имкониятларини жойларда амалга ошириш учун биз ёшлар қамишдан бел боғлаб ишга киришишга тайёрмиз.

ТЎҚСОНБОСТИ ЭКИНЛАРИНИ ЭКИБ, ҚЎШИМЧА ДАРОМАДГА ЭГА БЎЛИНГ!

Зангиота тумани фермерлар кенгаши Раёсати аъзоларининг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига

МУРОЖААТИ

Қадрли юртдошлар!

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар ҳамда томорқа ер эгалари!

Кейинги йилларда ер юзида рўй бераётган иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар ва қурғоқчилик каби ҳолатлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қийинлаштиряпти. Албатта, бу ҳолат бизга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда сўнгги йилларда Сиз, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун Президентимиз томонидан кўплаб Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бунинг натижасида жойларда улкан ютуқларга эришилди.

Жумладан, аграр тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар ошди. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ҳолатини барқарор ривожлантириш, фуқароларнинг соғлиги ва ҳаётини яхшилашнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ҳам ушбу соҳани кейинги 5 йилликда жадал ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилди. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш вазифаси мустаҳкамланди.

Аслида бунинг замирида Сиз ва бизнинг фидойилигимиз орқали мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган ҳиссамиз турибди. Шу муқаддас заминда таваллуд ва тарбия топган, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, халқи олдидаги, уни умидлар билан тарбиялаган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керакдир.

Ҳиммати баланд деҳқон ва фермерлар ҳамда томорқа ер эгалари!

Туманимиз аҳолисини йил ўн икки ой витаминга бой қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, халқимиз дастурхонига етказиш, бозорларимизда нарх-наво ошиб кетишининг олдини олиш энг асосий вазифамиз эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Халқимизда “Тўксонда суғорсанг, тўқсон ботмон ҳосил оласан”, деган пурмаъно нақл бор. Бунда қишнинг тўқсон куни назарда тутилган. Бу нақл бежиз айтилмаган, негаки мутахассисларнинг таъкидлашича, кузда экилиб, қор остида қолдирилган сабзавот экинлари уруғлари эрта кўкламда ердан жуда барвақт униб чиқиб, тез ривожланиши ҳисобига эрта ҳосил беради. Эрта баҳорда эса маҳсулотнинг бозори чаққон бўлиши сир эмас.



Деҳқончиликнинг тўқсонбости усули яхшигина даромад манбаи бўлиш билан бирга, аҳолининг эртанги сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш имконини беради. Натижада қиш ва баҳор ойларида ҳам бозорларимиз тўкин-сочин, нарх-наво барқарор бўлади.

Келинг, бугундан масъулиятимизни янада ошириб, 2026 йил ҳосили учун 3211 гектар майдонларда пиёз, саримсоқпиёз ва тўқсонбости экинларини ўз вақтида экишни ташкил этайлик.

Миришкор фермерлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизда асосий эътиборни сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни фаол жорий этиш, хўжалик ва корхоналарнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг муҳими, биз фермерларнинг оғирини енгил қилишга қаратилмоқда.

Ушбу имкониятларни ҳис қилиб, 512 гектар боғ-ток орасига ҳамда бўш турган майдонларга пиёз, саримсоқпиёз ва тўқсонбости экинларини экиб, мамлакатимиз аҳолисини арзон маҳсулотлар билан таъминлашга ўз ҳиссангизни қўшинг ҳамда маҳсулотингизни экспорт қилиб, ҳисоб рақамингизда валюта тушумини қилинг!

Азиз деҳқонлар!

Президентимизнинг 2021-2023 йиллардаги қарорлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишдаги пахта ва ғалладан қисқартирилган 446 гектар экин майдонларини Сиз деҳқонларга 10-сотихдан 1 гектаргача қилиб бўлиб берилди.

Айнан ушбу майдонлар Сизларга бежизга ажратиб берилмаганлигини исботлаш вақти келди.

Келинг, Сизлар ҳам ўзингизга юклатилган мажбуриятларни юракдан ҳис қилиб, 446 гектар майдонга пиёз, саримсоқпиёз ва тўқсонбости экинларини экиб, 2-3 марта ҳосил олиш тизимини йўлга қўйинг, бунинг ҳисобига гектаридан 80-100 миллион сўмгача даромад олинг!

“Бир контур – бир дала” тамойили асосида маҳсулот етиштириб, сарфлаган уруғликлар ва кўчатлар учун Ёшлар ишлари агентлигидан субсидия маблағлари олинг!

Кооперациялар ташкил этиб, маҳсулотларингизни экспортга чиқариб, қўшимча даромад олишга эришинг!

Ҳурматли томорқа ер эгалари!

Юртимизнинг барча ҳудудида меҳнатидан барака топаётган тажрибали томорқа ер эгалари ва фидойи деҳқонлар кўпчиликни ташкил этади.

Томорқа ҳар бир оиланинг бамисоли хазина манбаи. Айни вақтда туманда 32239 дан ортиқ томорқа ер эгалари 546,1 гектар унумдор экин майдонида меҳнат қилмоқдалар.

Серҳосил еримиз, даромад олишга томорқамиз бор экан, доимо ундан унумли фойдаланиш, хонадонларимизни обод, яшаш шароитимизни намунали тарзга келтириш пайида бўлайлик. Бу каби тартиб-таомил асосида улғайган фарзандларимиз ҳам яхши яшашга интилиб, ўз келажаги учун астойдил ҳаракат қилади.

Кўпни кўрган, тажрибали деҳқонлар, фасллар алмашаётган ушбу бетакрор куз палласида қандай юмушларни бажариш зарурлигини жуда яхши биласиз. Айни кунларда ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, ундан унумли фойдаланинг.

Туман бўйича 371,1 гектар томорқангизга пиёз, саримсоқпиёз ва тўқсонбости экинларини экиб, қўшимча даромадга эга бўлинг!

Азиз миришкор деҳқон ва фермерлар ҳамда томорқа ер эгалари, қуйидаги тадбирларни оғишмай амалга оширинг!

Биринчидан, айни дамларда боғ-ток орасини, ажратиб берилган майдонимизни ҳамда ўз ҳовлимиз, томорқаларимизни тартибга келтиришимиз жуда муҳим. Мевали дарахтларга, экинларга турли зараркунандаларга қарши ишлов беришни ўз вақтида бажаринг;

иккинчидан, куз ойининг қулай об-ҳавосида бир қарич ҳам еримизни бўш қолдирмаслик учун ҳайдовни якунланг;

учинчидан, кузда совуқ ва намгарчилик бошланмасдан олдин тўқсонбости усулида экиш учун совуққа чидамли сабзавот экинларидан сабзи, пиёз, ош лавлаги, карам, кўкат сабзавотлар (исмалоқ, укроп, петрушка, сельдерей, кашнич, салат) экинларининг уруғларини сепиб, экиб бўлинг;

тўртинчидан, “Томорқа – даромад манбаи” шиори остида ҳар бир маҳаллада саримсоқпиёз ва тўқсонбости экинлари экишни ташкил этинг;

бешинчидан, “Бир контур – бир маҳсулот” ҳамда “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойиллари асосида саримсоқпиёз ва тўқсонбости экинларини экинг.

Азиз юртдошлар, ҳурматли деҳқон ва фермерлар ҳамда томорқа ер эгалари, далаларимизда ва томорқаларимизда етиштирилаётган сабзавот ва полиз ҳамда тўқсонбости маҳсулотлари билан халқимиз дастурхони тўкин, ҳаёти фаровон, бозорларимизда арзончилик бўлишини таъминлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир! Барчани бу бурчни соф виждон билан адо этишга чақирамиз!

Зангиота тумани фермерлар кенгаши Раёсат аъзолари.

ISTIQBOL
2025-yil 19-sentyabr / Juma / № 37 (6189)

► *Қонунчиликдаги янгиликлар*

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР ЯНАДА ОРТДИ

Юртимизда давлатимиз томонидан ёшларга берилаётган эътибор ҳар қачонгидан ҳам ортди. “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони (ПФ–163-сон, 10.09.2025 й.)нинг қабул қилинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир.

МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгиланди, жумладан:

ёшлар муаммолари билан индивидуал ва манзилли ишлаш орқали ёшлар етакчилари фаолияти самарадорлигини ошириш;

ёшларнинг касбий қизиқишларини барвақт аниқлаш орқали меҳнат бозорига рақобатбардош кадр сифатида кириб боришини таъминлаш.

Фармонга кўра, қуйидагилар маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг асосий вазифалари этиб белгиланди, жумладан:

ёшларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш, жамият учун фойдали лойиҳаларни маҳалла даражасида амалга ошириш;

ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш, “Беш ташаббус олимпиадаси”ни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик кўникмаларини кучайтириш орқали бандлигига кўмаклашиш;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга кўрсатиладиган ёрдамнинг ижтимоий ҳамкорлик тамойилига асосланишини таъминлаш.

Ушбу асосий вазифаларга боғлиқ бўлмаган бошқа вазифа ва топшириқларни ёшлар етакчилари зиммасига юклаш тақиқланади.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Фармонга кўра, “Маҳалла еттилиги” ва таълим муассасалари ўртасида ёшлар, жумладан, умумтаълим мактабларининг битирувчи синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорлик қилиш тизими жорий этилади.

Мактабларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳар ой синф раҳбари ва мактаб психологи билан хулқ-атворида мураккабликлар кузатилган ўқувчилар ўртасида хорижий тиллар, касбларни ўрганиш ҳамда меҳнат фаолиятига қизиқиш билдирганларини аниқлайди.

Ушбу ўқувчиларнинг рўйхати шакллантирилиб, ёшлар етакчиси ва маҳалла раисига тақдим этилади.

Ёшлар етакчилари маҳалла ҳудудидаги мураббийлар, касб эгалари ва тадбиркорлар билан ҳамкорликда ўқувчилар учун устозлик тизимини йўлга қўяди.

Маҳалла раислари ёшларнинг фанларни ўрганиши, ахборот технологияларини ўзлаштириши, китобхонлик, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича ташаббуслар ишлаб чиқади.

РАҚАМЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИ ОШИРИЛАДИ

Ёшлар билан ишлаш жараёнини рақамлаштириш даражаси оширилади.

Фармонга кўра, 2026 йил 1 февралгача “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформалари негизида қуйидаги имкониятларга эга бўлган “Ёшлар ягона электрон платформаси” ахборот тизими яратилади, жумладан:

ёшларнинг демографик ва ижтимоий ҳолати, бандлиги, таълим олишига оид маълумотлар асосида “Ёшлар баланси”ни шакллантириш;

ёшларнинг қизиқишларини аниқлаш бўйича социологик сўровлар ўтказиш, унинг натижаларини автоматик таҳлил қилиш;

ёшларга оид мавжуд имтиёз, преференция ва имкониятлар тўғрисида маълумот бериш.

2026 йил 1 февралдан “Ёшлар дафтари” жамғармасидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамлар бўйича аризаларни тақдим этиш ва натижаси бўйича қарор қабул қилиш билан боғлиқ барча маъмурий тартиб-таомиллар ЯИДХП (my.gov.uz) ҳамда Ёшлар ягона электрон платформаси орқали амалга оширилади.

2026 йилдан ҳар йили Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши тўғрисидаги миллий маърузани эълон қилиш амалиёти жорий этилади.

Миллий маруза ҳар йили 30 июнь – Ёшлар куни арафасида Ёшлар ишлари агентлиги томонидан эълон қилиб борилади.

► *Семинар*



МАНФААТЛИ БЎЛДИ

Зангиота тумани Ёшлар ишлари бўлими бошлиғи С.Абдувалиев раислигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 сентябрдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-163-сонли Фармони ижросини амалга ошириш ишларини ташкил этиш юзасидан тумандаги ёшлар етакчиларига ўқув семинари ташкил этилди.

Ушбу ўқув семинарида Фармонда келтирилган ҳар бир бандга алоҳида тўхталиб, унинг туб моҳияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, ҳар бир иштирокчига фармон нусхалари тарқатилди.

Ўқув семинар якунида фармон ижросини таъминлаш ҳамда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш учун жойларда қандай ишлар ташкил қилиш юзасидан ёшлар етакчилари билан фикр алмашилиб, ғоя ва таклифлар тингланди.

Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати

► *Ҳуқуқий саводхонлик*

КАСБ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ЎҚИТИШ УЧУН ВАУЧЕР БЕРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг қарори (527-сон, 20.08.2025 й.) билан “Касб ва хорижий тилларга ўқитиш учун ваучер бериш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Низом ишсизлар, шу жумладан, “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзолари ёки расмий даромадга эга бўлмаган иш қидираётган шахсларни касб ва хорижий тилларга ўқитиш харажатларини ваучер асосида қоплаб бериш тартибини белгилайди.

* Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ecosys.mehnat.uz тизимида ваучер асосида ушбу тоифадаги шахсларни ўқитадиган таълим ташкилотларининг электрон реестри юритилади.

* Талабгор ваучер олиш учун вазирликнинг туман (шаҳар) бўлимларига тўғридан-тўғри ёки маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари орқали, шунингдек, ecosys.mehnat.uz тизими орқали ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

* Талабгорга, биринчи навбатда, туман (шаҳар) бўлимлари томонидан 1 кун муддатда унинг мутахассислигидан келиб чиқиб, мавжуд бўш (вакант) иш ўринлари таклиф қилинади.

Фуқаронинг мутахассислиги бўлмаганда ёки таклиф этилган иш ўрни маъқул келмаганда, ваучер тақдим этиш масаласи кўриб чиқилади.

Бунда талабгор ecosys.mehnat.uz тизимида скорингдан ўтказилади ва унинг белгиланган тоифалардан бирига кириши аниқланса, у ваучер олиш ҳуқуқига эга бўлади. Талабгор ваучердан 3 ой муддатда фойдаланиши лозим.

Ваучер асосида касб ва хорижий тилларни ўрганиш истагини билдирган талабгор бир маротаба бепул ўқиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди.

И. РОЗИҚОВ,
туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш Маркази бош юрисконсульти

Тарихни билган келажакни қадрлайди

Туман Ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари устозлари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳрида жойлашган “Шаҳидлар ҳиёбони” ҳамда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейига боришди.

► *Ички туризм*

Саёҳат давомида ўқувчилар мустамлака давридаги оғир синовлар, халқимиз бошидан ўтган машаққатли йиллар ҳамда юртимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган аждодларимиз ҳаёти билан яқиндан танишишди. Музей экспонатлари, тарихий ҳужжатлар ва архив материаллари ўқувчиларда чуқур таассурот қолдирди.

Бу саёҳат нафақат ўқувчиларнинг билимларини бойитди, балки уларда ватанпарварлик, тарихга ҳурмат ва озодлик қадрини чуқур ҳис этишларига хизмат қилди.

Ўз мухбиримиз.



► *Миллий либослар куни*



МИЛЛИЙ ЛИБОС БАРЧАГА ЯРАШАДИ

Ҳафтанинг ҳар жума куни туманимиздаги корхона-ташкилотлар масъуллари ҳамда давлат хизматчилари миллий либосларда бўлиши одатга айланиб бормоқда.

Хусусан, Зангиота тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими "Бўзсув" ҳудуди хотин-қизлар фаоллари ҳам миллий либос ва дўппиларда иш фаолиятини олиб боришмоқда.

Туман ҳудудидаги 20-умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирокида ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, қизларимиз қалбига миллий либослар ифтихорини сингдириш, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат ва садоқат, миллий либосларнинг гўзаллиги ва жозибасини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Ўқувчи қизлар билан миллий қадриятларимиз, миллий либосларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз мавзусида суҳбатлашилди. Миллий либосларимиз ўзида халқимизнинг тарихи, қадимий урф-одат ва анъаналарини мужассам этганлиги ҳақида тушунчалар берилди.

Феруза ШАҲОБИДДИНОВА.

МАҲАЛЛАЛАРДА МАЗМУНЛИ МУЛОҚОТЛАР





“Ўртаовул”, “Боғишамол”, “Гулбоғ”, “Хўжамозор”, “Эски қалъа”, “Асил”, “Ўрта” маҳаллаларида ўтган мулоқотлар аҳоли учун ниҳоятда қизиқарли ва фойдали бўлди. Туман ҳокими Э.Рустамов бошчилигида, ҳокимлик мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган мазкур мулоқотларда мамлакатимизда, хусусан, Зангиота туманида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилди, олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, аҳолини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар берилди, уларнинг фикр, таклифлари тингланди, мурожаатлар ечими бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Мулоқотлар тумандаги барча маҳаллаларда ўтказилади.

Д.ШАРИПОВА.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА тайёргарлик ишлари қизғин

Зангиота тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан тумандаги аҳоли яшаш хонадонлари, қурилиш объектлари, ижтимоий соҳа муассасалари, шунингдек, тадбиркорлик субъектларида кенг кўламли тушунтириш ва профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.







Мазкур тадбирлар 2025–2026 йиллардаги куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда турли фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган.

Профилактик суҳбатлар давомида мутахассислар фуқароларга: ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш, газдан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш, ҳаво-газ аралашмаси чақнашига олиб келадиган ҳолатларни бартараф этиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш, иситиш мосламаларидан фойдаланишда эҳтиётқорлик чораларини кўриш, электр жиҳозларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларига амал қилиш бўйича тушунчалар берилди.

Туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати

АЖРИМ – ЕЧИМ ЭМАС, ИЛЛАТДИР

► *Мулоҳаза*


Ажрим. Шу битта сўз замирида қанчадан-қанча кўз ёшлар, изтироблар, етим қолган болаларнинг ота (ёки она) сиз вояга етишидаги азоблари ётибди. Инсон бир марта бериладиган ҳаётида шундай яшаб ўтишга ўзини ўзи маҳкум қилади. Аслида оила қурганлар турмушнинг ўткинчи қийинчиликларига сабр билан, бир-бирини тушунган ҳолда яшашса, ҳаётлари чиройли, нурли бўларди. Бизга ажрашиш бўйича келган ёшлар билан шу ҳақда суҳбатлашамиз, уларнинг аскарияти хатоларини тушуниб етиб, ярашиб кетишса, кўнглимиз шунчалик ёришади. Лекин шоли курмаксиз бўлмаганидек, шундай ёшлар ҳам борки, ўз билганидан қолишмайди.



Аксарият ҳолларда йигит ва қиз катталарнинг аралашуви ёки ўзларининг хоҳиш-истаклари билан учрашиб, бир-бирларини ёқтириб, турмуш қурсалар-да, ҳеч қанча вақт ўтмай, 1, 2, 3 нафар фарзандлик бўлганларида ҳам, бирор арзир-арзимас сабабларга кўра ажрим ёқасига келиб қолмоқда. Наҳотки, бир-бирини ёқтириб, ваъда, аҳду паймон қилиб, ота-оналар розилиги билан қурилган бу оила – иморат салгина шамолу бўронларга, ёғиб ўтаётган ёмғиру қорларга дош беролмай қулаб, вайрон бўлса? Натижада фарзандлар тирик етим бўлиб қолса? Бу жуда ачинарли ҳолат эмасми?

Ачинарлиси келинларимиз ўзларига катта баҳо бериб, 2-3 нафар фарзандларини бемалол, ўйнаб- кулиб боқиб олишлари ҳақида айтадилар. Лекин, ота-оналик бурчи, вазифаларини, берилиши лозим бўлган меҳр, тарбия, билим-маърифат ва масъулият ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Ота-оналар, катталар ҳам буни яхшилаб тушунтириб, бу йўлдан қайтаришга ожиз бўлиб қолишмоқда. Чунки, қарор қабул қилувчи ёшлар, бу уларнинг ҳаёти эканини, ҳеч кимнинг аралашишга ҳаққи йўқлигини айтиб, қатъий қарор қабул қилмоқдалар. Оқибати албатта, ажрим билан тугамоқда. Ажрим ечим эмас, иллатдир. Бу иллатнинг кўпайишига йўл қўймаслигимиз, унинг ечимини топишимиз, ёшларга шарқона тушунчаларимизни, яъни бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилишини, бир оила ажрим бўлса, осмонда арши аъло ларзага келишини тушунтириш даркор. Токи ажримлар бўлмасин, фарзандлар тирик етим бўлиб қолмасин.

Саодат УСМОНОВА,
туман ҳокими ўринбосари,
хотин-қизлар бўлими раҳбари.



“Qaynonam – onam mening, kelinim – bolam mening”

Milliy qadriyatlarni targ'ib qilish va avloddan-avlodga etkazish maqsadida barcha mahallalarda Oila va xotin-qizlar bo‘limi, Mahalla uyushmasi bilan hamkorlikda mahallalarning xotin-qizlar faoli, nuroniylari hamda faollar ishtirokida "Qaynonam – onam mening, kelinim – bolam mening" mavzusida ma'naviy-ma'rifiy targ‘ibot tadbiri tashkil etilmoqda.

Suhbatlar davomida na’muna-li qaynonalarning hayotiy tajribasi na’muna sifatida ko‘rsatilib, oilalar mustahkamligida qaynona va kelin o‘rtasidagi samimiy munosabatning muhim ahamiyatga egaligi ta’kidlandi.

Nasiba UBAYSULLAYEVA.

ТАҚИҚЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАР ТАРҚАТГАН ЭДИ



Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Тошкент вилояти ва Зангиота тумани ҳокимлиги мутасаддилари томонидан Зангиота туманида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида бир қатор тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда.

► *Қилмиш-қидирмиш*

Учрашув, давра суҳбатлари тарзида ўтказилаётган тадбирларда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, яъни инсонларнинг ватанга бўлган муҳаббатини ошириш, ёшларни диний мутаассиблик, турли ёт ғоялар таҳдидидан асраш борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамай аҳоли орасида билиб-билмай ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақиқланган маърузаларни эшитиш, тарқатиш, яширин хужралар ташкил қилиб мурғаккина ёшларга “диний сабоқ” бериш ҳолатларининг учраётгани ачинарли ҳолдир.

2025 йилнинг 28 январида Зангиота тумани ИИБ ТҚКБ, ДХХБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида асли фарғоналик бўлган Тошкент шаҳрида яшовчи 4 фарзандниг отаси К.А. унга тегишли бўлган уяли алоқа воситаситалари ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, ижтимоий тармоқларда очилган Ўзбекистон Республикасида фаолияти тақиқланган диний мазмундаги материалларни тарқатиб келаётганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг хулосасида, К.А. томонидан тарқатилган диний материал амалдаги Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга хизмат қилиши мумкин бўлган ғоялар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Ҳа, жиноят жазосиз қолмайди. Фуқароларимиз бу каби ҳолатларга тушмасликлари учун доим огоҳ бўлмоқлари керак.

Б. ИСКАНДАРОВ,
Э. СМАНДИЯРОВ,
Тошкент вилояти ИИВ ходимлари.



Носирхон Фарғона водийсининг таниқли мударрисларидан Камолхон тўра хонадонида 1871 йил дунёга келган.

У аввал Наманган, сўнг Бухоро мадрасаларида таҳсил олди. 1913 йил ҳаж ибодатини амалга ошириб, Намангандаги "Мавлавий" ва "Мулла Қирғиз" мадрасаларида мударрислик қилди.

Носирхон тўра КАМОЛХОН тўра ўғли

НОҲАҚ ҲУКМ

У 1917 йил Наманганда тузилган "Шўройи Ислом" жамиятининг раҳбари сифатида Наманган шаҳар Думасига сайланади. Туркистон Мухторияти эълон қилинганида уни қўллаб Наманган шаҳрида минглаб кишини намойишга олиб чиқди ва Мухтория ҳукуматида Маориф нозири лавозимига сайланди. Туркистон Мухторият большевиклар томонидан қонга ботирилгач, икки йил давомида катта мулла Эргаш ва Муҳаммад Аминбеклар ёнида уларга ғоявий раҳбарликни амалга оширди. Носирхонтўра 1920 йил совет давлати умумий афв эълон қилганидан сўнг 1923 йилгача Маҳкамайи Шаръияда иш олиб боради.

Носирхон тўра Тўхтахўжа Абдураҳмонхўжа ўғли билан 1923-1924 йиллар шўроларнинг "Батраклар иттифоқи"га азалий вақф хўжалиги бошқаруви анъаналарини жорий этиши натижасида қисқа муддатда яхшигина иқтисодий ютуқларни қўлга киритади. Шундан сўнг халқ "Батраклар иттифоқи"ни тугатишни талаб қила бошлайди. Шўроларнинг кескин қаршилигига учрагач, 1924 йил 24 февраль куни кўпчилик меҳнаткашлар советларнинг сиёсатига қарши ялпи намойишга чиқади. Ташкилотчилар қамоққа олиниши билан норозилик янада авж олади.

1924 йилнинг августида Носирхон тўра Камолхон тўра ўғлининг барча мулклари давлат томонидан тортиб олиниб, ўзи Самарқанддаги тўғрилаш уйи (исправдом)га юборилди. 1925 йил 10 июлда Носирхон тўра ва Миркатта Саид Ориф ўғли 3 йилга Оренбургга сургун қилинади. Оренбургда Муҳаммад Вали ҳазрат хонадонида яшаган Носирхон тўра Шарқ мутафаккирлари Жамолиддин Авғоний ва Муҳаммад Абдуҳларнинг асарлари билан яқиндан танишади. Жамолиддин Афғонийнинг форсий рисоласини ўзбек тилига таржима қилади. Бу тўғридан тўғри таржима бўлмай, унга ўз фикр ва қарашларини сингдирган эди...

Носирхон тўра 1928 йил 10 август Оренбург сургунидан озод бўлиб, Наманганга қайтади. Бутун водий аҳли, атроф қирғиз ва қозоқ овулларидан ҳам уламонинг зиёратига инсонлар оқиб келадилар. Айниқса, 1928 йил 28 августда Авлиё отадан қариндошлари мударрислар Мубашширхон Саидхон ўғли ва Олтинхонларнинг келиши халқни тўлқинлантириб юборади. Совет маъмурлари Носирхон тўранинг обрўсидан қаттиқ ташвишга тушади ва янги фитна бошлайди.

1928 йил 16 октябрда Носирхон тўра ўғли Эшондадахон билан аввал Чустга, сўнг Бухоро, Китоб шаҳарларига устозлари ва шогирдларининг зиёратига йўл олади. Ундан Самарқандга ўтиб, Абдиберун, Даҳбед, Хўжа Исмоил Бухороийларни зиёрат қилади. 1928 йил 5 декабрида Самарқандда шўро Ўзбекистони ҳукуматидан Москвага бориб даволаниши учун рухсат сўраб ариза ёзади. Бироқ, рад этилгач, иложсиз Косонга қайтиб келади...

1929 йил 1 мартда Авлиё отага шогирди ва қариндоши мударрис Олтинхон Эшонхон ўғлининг олдига боради. Икки кун унинг меҳмони бўлиб, Сўфибек масжидида имомлик қила бошлайди. Сўнг Пишпакка ўтиб бир муддат даволангач, 1929 йилнинг май ойида Косонга қайтади.

Носирхон тўра 1929 йил кузида қирғиз шогирдлари ва дўстларининг таклифи билан тоққа йўл олади. 29 октябрь куни Ранжит этагида кетар экан кимлардир ўққа тутади. Носирхон тўра отдан йиқилиб, қўли икки жойидан синади. Содиқ дўсти Отантай Сотилғонов уни Мозор қишлоғига келтириб, икки-уч кун даволатиб, зудлик билан Косонга етказишга ҳаракат қилади. Йўлда Носирхон тўра тоғда собиқ қўрбошилар Дадабой, Мадумар, Истамбек, Мирвалилар билан қурултой ўтказгани, ҳатто Чотқолда 2000 га яқин аскар жамлаб, инглиз, афғон ва хитой томонлари билан алоқани йўлга қўйган, деган миш-мишлар тарқалганини эшитади. Шундан сўнг уйга кириш хавфли эканини англаб, қуйи Косонда дўстларининг уйида қолади. Хавотирга тушган Истамбек ҳам тоғдан келиб, барчалари Кушон қишлоғида қўним топадилар. Атантой эса уларнинг озиқ-овқатидан хабардор бўлиб туради. Шундай кунларда Носирхон тўра яна ўзининг дафтарини қоралашга тушди. У раис ва вилоят ҳокимлари сайлаб қўйиладиган, уларнинг қошида мажлислар ташкил этиладиган давлат бошқаруви ҳақида ёзади. Унга кўра раис ва ҳокимлар қишлоқ хўжалиги, солиқлар ҳамда ижтимоий муҳим қарорларни мажлис раҳбарлари маслаҳати ва розилиги билангина қабул қилади. Мамлакатда ўн икки вазирлик бўлиб, ҳар бирининг вазифасига тўхталиб ўтади. Жумладан, Маориф нозирлиги таълимни бидъат ва хурофотлардан холи фойдали ва аниқ фанларга асосланиб ислоҳ этади. Бошланғич, ўрта ва олий таълимни ташкил этиб, дарслик ва муаллимлар фаолиятини йўлга қўяди. Сиёсий бўлимнинг асосий вазифаси эса мамлакатни, мусулмонларни ҳар хил ички ва ташқи хавфлардан ҳимоя қилади. Жамиятда ҳақиқий адолатнинг қарор топиши учун курашади. Шунингдек, эркин матбуот, солиқларни чеклаш каби кўплаб таклифларини баён қилади.

1930 йил 8 июнига келиб, биргина Наманган вилоятида Носирхон тўрага боғлаб юздан ортиқ инсонлар қамоққа олинди...

1930 йил 26 июнь куни Тўрақўрғонда Қоратов этагида кетаётган Носирхон тўра ва одамлари яна ўққа тутилди. Мўмин полвон, Абдумалик, Абдуваҳҳоблар ўлдирилди, Турғун Қўзибоев оғир ярадор бўлди. Отишмада Носирхон тўранинг шогирди ва содиқ дўсти Истамбек елкасидан ва сонидан ўқ еб ҳалок бўлди. Отантой уни тоғда қолдириб, унинг отига миниб Носирхон тўрани қидириб Нанай томонга йўл олди. Бироқ уни топа олмай қўлга олинди.

Дўстларидан хабар бўлмагач, Носирхонтўра ёнига ўғиллари Эшондадахон ва Ҳасанхонларни олиб, Қошғарга кетишга қарор қилди. 1930 йил 7 июль куни йўлга тушган Носирхон тўра 15 июль куни Ўш округ, Толдик совхоздан 10-15 чақирим узоқликдаги яйловда қўлга олинган...

1930 йил 27 октябрь куни Шарқнинг буюк мутафаккирлари Муҳаммад Абдуҳ, Жамолиддин Афғонийлар қаторидаги олим, уламо, қаҳрамон инсон Носирхон тўра Камолхон тўра ўғли отувга буюрди. Ноҳақ ҳукм 1931 йил 13 апрель куни Тошкентда ижро этилган.

jadidlar.uz сайтидан олинди.

БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Боғ ва токзорларда учрайдиган зараркунандаларнинг айрим турлари – олма, олхўри ва узум мевахўр қуртлари, бинафшаранг, сохта қалқондорлар, мева ўргимчакканалари, нок ширинчаси, нок шира бити, акация сохта қалқондори, шарқ мева қурти, ғилофли куя мавсум давомида бир неча марта авлод бериб катта зарар етказади.

► *Мутахассислар маслаҳати*

Шунинг учун уларга қарши курашишда олма қуртининг тухумига қарши тухумхўр паразит трихограмма, барг ширалариga қарши олтинкўз, қон битига қарши афелиниус, комсток қуртига қарши псевдофикус паразитлари ҳамда барг кемирувчи қуртларга қарши микробиологик препаратлар қўллаш керак. Табиий кушандаларнинг фаолиятини кучайтириш учун боғларнинг ичига нектарга бой ўсимликлар экилади. Шунингдек, мевали боғларда калмараз, клястероспориоз, доғланиш ва бошқа касалликларга қарши эрта баҳорда куртакланиш олдидан 3-4 фоизли бордо суюқлиги ёки бир фоизли мис купроси эритмаси, зараркунандаларга қарши минерал профинли препаратлар билан ишлов бериш лозим.

С.ИШАНХЎЖАЕВ, Ш.ХАРИМОВ, М.АБЗАЛОВ, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси "Навоий "ЎҚЧМ инспекторлари.

► *"Ёнғиндан огоҳлик" умуммиллий кампанияси*

ТАДБИРЛАРДА ФАОЛ, ЁНҒИНДАН ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Жорий йилнинг 15 сентябридан 15 октябрь кунига қадар юртимизда "Ёнғиндан огоҳлик" умуммиллий кампанияси доирасида комплекс профилактика тадбирлари ўтказилади. Туман фавқулодда вазиятлар бўлими фуқароларни ушбу тадбирларда фаол иштирок этишга чақиради.

Ойлик доирасида тумандаги барча корхона, ташкилот, аҳоли тураржойларида давлат ёнғин назорати органлари томонидан профилактик текширув ишлари олиб борилмоқда. Ўтказилган текширувларда аниқланган ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ҳолатлари, камчиликлар бартараф этилмоқда.

Куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида амалга оширилаётган мазкур ишларда кенг жамоатчиликнинг ҳам фаол иштирок этишини сўраймиз.

Асомиддин ТОШБОЕВ, туман ФВБ ПваНБ катта инспектори.


ISTIQBOL
2025-yil 19-sentyabr / Juma / № 37 (6189)

Ҳар бир сўз етажак юзта умрилга

Иқтидорли шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шавкат Раҳмон ҳаёт бўлганида 12 сентябрда 65 ёшини оиласи, дўстлари мухлислари давласида нишонлаган бўларди. Афсуски, бешафқат ўлим уни орамиздан эрта олиб кетди. Бугун у биз билан ёнма-ён яшамаётган бўлса-да, унинг одамни ўйлантирадиган, мушоҳадага, ҳаёт ҳақиқатлари ҳақида ўйлашга ундайдиган нафис шеърлари ҳамон қалбларимизда жаранглаб турибди.

Шавкат Раҳмоннинг “Рангин лаҳзалар”, “Юрак қирралари”, “Очиқ кунлар”, “Гуллаётган тош”, “Уйғоқ тоғлар”, “Ҳулво” “Сайланма” сингари шеърий китобларини шеърият ихлосмандлари ҳамиша қўлдан қўймай ўқишади.

Қуйида эътиборингизга Шавкат Раҳмоннинг шеърларидан намуналар тақдим этамиз.



Шавкат РАҲМОН
(1950-1996)

Касам

Шавкат Раҳмон деган бир ўжар шоир,
Бир куни қайтадан яраладими?
Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб,
Сайладим сўзларнинг сараларини.
Ҳар бир сўз юз сўзнинг ўрнини босар —
Ватан, Халқ, Жасорат, Кураш, Озодлик.
Ҳар бир сўз етажак юзта умримга,
Ҳар бири бахш этар руҳимга шодлик.
Ҳозирлик кўраркан буюк сафарга,
Пуштиранг пардали минглаб дарчадан
Мўралаб ўтирган гўзал сўзларни
Қолдириб кетаман энди барчага.

Аслида атиргул бўйин таратган
Бу ўйноқи сўзлар меникимасдир.
Менга нондай зарур, қиличдай кескир,
Заҳардай мард сўзлар бўлсаёқ басдир.
Сайладим сўзларнинг сараларини,
Курашлар шамоли кирди назмимга.
Юртимни кезаман, энди ҳар нарса –
Эгилган нарсалар тегар ғашимга.
Энди ишлаш керак бу кенгликларда,
Токим сўйламасин ёлғонни ҳеч ким,
Токим буюк тоғлар салтанатида
Эгилган бошларни қиличлар кессин.

Осмони бўл

Чақин бўлма, бўлма гулдирак,
Ердан кўпам узоқлаб кетма.
Овозингни йиртмагин бекор,
Ерни қучма – қулочинг етмас.
Ундан кўра бирор одамнинг
Макони бўл – ирмоқли, сойли.
Шамолларни тўсган тоғи бўл,
Осмони бўл – юлдузли, ойли.



► Тадбир

Ахборот кутубхона марказида “Китоб ва мутолаа ҳафталиги” доирасида Олий ҳамда профессионал таълим муассасалари ўқувчилари учун “Очиқ эшиклар куни” бўлиб ўтди.

КУТУБХОНАДА “ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ”



Шу муносабат билан ахборот-кутубхона марказига Самарқанд ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш институти Тошкент филиали талабалари ташриф буюришди.

Кутубхонада ёшлар иштирокида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир ва таржимон Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан “Эрта сўнган юлдузлар” номли хотира кечаси ўтказилди.

Тадбирда шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар берилди. Талабалар томонидан шоир шеърларидан намуналар ўқилди.

Суҳбат сўнгида ёшлар учун кутубхона жамғармасидаги адабиётлар ҳақида маълумот бериб ўтилди ва ўқиш учун соҳага оид ҳамда бадиий адабиётлар тавсия этилди.

Сурайё АҲМЕДОВА.

ДЎСТ

(Қатра)

Бир иш билан дўстининг уйига келган Солиҳжон ўртоғининг уйида чироқ ёнмаганлигини кўриб, “Булар уйда эмас чоғи. Бирор ёққа меҳмонга кетишганмикан?” дея ўйлади. Шундай бўлса-да, машинасидан тушиб, темир дарвозани тақиллатиб кўрди. Ичкаридан садо чиқмагач дўстига қўнғироқ қилди.

– Алло, ассалому алайкум, жўражон, яхшимисан? Қаердасан?

– Уйдаман, – деди Мубин саломга алик олиб.

– Унда, кўчага чиқ, дарвозанг олдидаман, – деди Солиҳжон. Қиш оқшомлари тез қоронғу тушади. Изғирин кучайиб бораяпти. Шунинг учун енгил куртка кийган, ўрта ёшли, ихчам гавдали йигит сал совқотиб, машинасига кириб, дўстини кута бошлади. Кўп ўтмай эгнига кўк эскироқ чопон, бошига қора шапка кийган дўсти, шошиб келиб, кўришди.

– Бормисан, жўражон? Юр, уйга кирамиз. Овқат тайёр... – дея таклиф қилди Мубин. Буғдойранг, миқти гавдали ўртоғи Солиҳжонга бироз озгандай туюлди.

– Йўқ, шошиб турибман. Уйдагилар кутиб туришибди. Бир иш билан келувдим. Кел, машинага ўтир. Шу ерда гаплашиб олайлик.

Мубин кўп тихирлик қилмай, дарров дўстининг ёнига ўтирди, чунки қоронғи уйда меҳмон кутишдан хижолат бўлаётган, бунинг устига овқат ҳам гўштсиз мастава эди.

Солиҳжон беихтиёр ундан сўради: – Ҳа, айтганча, нега ҳовлинг қоп-қоронғи? Кўчада электр йўқми,



десам қўшниларингда чироқлар ёниб турибди... Ё сизларда токдан бирор муаммо борми?

– Йўқ, – деди бироз мулзам бўлиб Мубин, нима десам экан, дея бироз тараддудланиб, кейин минг хижолат билан ростини айтди: “Қарздорлик учун узилган. Ойлик олишимга ҳали тўрт-беш кун бор... Пул тўлаёлмай турибман...”

Бу гапни эшитиб, Солиҳжоннинг бўғзига бир нима тиқилгандай бўлди. Ким билади бечора ўртоғи неча кундан буён бундай аҳволда ўтирган экан? Ўйламай савол берганига пушаймон бўлди.

– Йўғ-э, қарз эмасдирсан? Электросет адашгандир? Қани, код рақамларингни айт-чи? Мен, териб кўрай?

Мубин қарздорлигини аниқ билиб турса ҳам, дўстининг гапини икки қилолмай рақамларни айтди. Солиҳжон, телефонини олиб, текшириб, дўстининг электр ҳисоблагичи рақамида пул қолмаганлиги, қарз бўлганлигини кўрди. “Картамда қанча пул қолганди. Ҳаммасини кўчирсам кейин қийналиб қолмасмиканман? Ҳар ҳолда “Дамас”им билан кира қилиб, рўзғорни бир амалларман. Жўрам эса ойлик маошни кутиб яшайди. Унга қийин...” деган хаёлларни кўнглидан кечириб, пластигидаги бор пулни кўчирди.

“Ночор қолганимни билгани яхши бўлмади-да. Текшириб нима қиларкан? Шундай ҳам ҳаммага маълум -ку. Пул тугадими, ўчиришади...” деган хаёллар билан эзилиб ўтирган Мубин дарвозаси олдидаги ва ҳовлисидаги чироқлар бирдан чарақлаб ёнганини кўриб, қувониб кетди. Ичкаридан болаларнинг “Ура” деган шодон қийқириқлари эшитилди.

– Ия, жўражон, пул ташладингми?! Катта раҳмат! Қанча кўчирдинг? Ойлик олишим билан қайтараман!

– Йўқ, керак эмас. Ўзи шошиб, қуруқ келганимга пушаймон еб ўтиргандим. Болаларингнинг хурсанд бўлганлигининг ўзи менга етарли...

Мубин Солиҳжон кетгандан сўнг, уйга кириб, телефонидан электр ҳисоб рақамини текшириб, ўртоғининг анча катта маблағ ташлаганини кўрди. “Ҳа, дунёда ҳар ишнинг жавоби бор, ҳеч бир ёмонлик жазосиз қолмайди, яхшиликнинг мукофоти эса фақат яхшиликдир. Барака топкур дўстимга улуғ ажрлар берсин, Илоҳим”, деган фикрлардан йигит қалби энтикди.

Маҳбуба ХОЛОВА.

ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Dilbar SHARIPOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Navbatchi: Umida ABDUHAKIMOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-914.

ISSN 2181-61820